




“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва спорт
давлат қўмитаси раисининг ўринбосари




Ф.К.Турдиев
2018 йил

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон хаваскор ва
профессионал кикбоксинг
Ассоциацияси раиси




А.Т.Нарметов
2018 йил

**Кикбоксинг бўйича 2018 йилги
Ўзбекистон Республикаси мусобақалари тўғрисидаги**

НИЗОМИ



Тошкент - 2018 йил

I. Мақсад ва вазифалар

- 1.1. Мусобақаларни ўтказишдан асосий мақсад соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш, Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий фаолиятини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш.
- 1.2. Ўзбекистонда Кикбоксингни тарғиб этиш ҳамда ривожлантириш.
- 1.3. Ўзбекистон бўйича, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги энг кучли жамоа ва спортчиларни аниқлаш.
- 1.4. Кикбоксинг бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси таркибига номзодларни аниқлаш ва тайёрлаш;
- 1.5. Мураббий ва ҳакамларнинг малакасини ошириш.

II. Мусобақаларга раҳбарлик қилиш

- 2.1. Мусобақани ўтказиш бўйича умумий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал кикбоксинг Ассоциацияси томонидан ҳамкорликда амалга оширилади.
- 2.2. Мусобақани Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал кикбоксинг Ассоциацияси (кейинчали - Ассоциация) томонидан тайинланган ҳакамлар хайъати таркиби ўтказди.

III. Мусобақаларнинг ўтказиш жойи, вақти, йўналишлари ва вазнлари

Жойи	Вақти	Йўналишлар ва вазн тоифалари
1. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ		
1.1. Ёшлар ўртасида		
Сирдарё вилояти (Гулистон ш.)	Март	Йўналишлар: Кик- лайт, лайт-контакт ва семи-контакт; Вазн тоифалари: (7-8 ёш) -21кг; -24кг; -27кг; -30кг; -33кг; -36кг; (9-10 ёш) -24кг; -27кг; -30кг; -33кг; -36кг; -39кг; -42кг; -45кг; -48кг; +48кг; (11-12 ёш) -30кг; -33кг; -36кг; -39кг; -42кг; -45кг; -48кг; -51кг; +51кг; (13-14 ёш) -36кг; -39кг; -42кг; -45кг; -48кг; -51кг; -54кг; -57кг; -60кг; -63,5кг; +63,5кг;
1.2. Катталар ўртасида		
Наманган вилояти (Наманган ш.)	Апрель Май	Йўналишлар: Кик- лайт, лайт-контакт, семи-контакт, лоу-кик, фул-контакт ва К1 йўналишлари: Вазн тоифалари: (15-16 ёш) -42кг; -45кг, -48кг; -51кг; -54кг; -57кг; -60кг; -63,5кг; -67кг; -71кг; -75кг; +75кг (17-18 ёш) -42кг,-45кг,-48кг,-51кг,-54кг,-57кг,-60кг, -63.5кг,-67кг,-71кг, -75кг,+75кг (19-35 ёш) -51кг,-54кг,-57кг,-60кг,-63.5кг,-67кг,-71кг, -75кг,-81кг,-86кг,-91кг,+91кг

**2. “ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ КУНИ”ГА БАГИШЛАНГАН
ЎЗБЕКИСТОН ТУРНИРИ
(Ёшлар ва катталар ўртасида)**

Фаргона вилояти (Фаргона ш.)	Июнь Июль	<p>Йўналишлар: Кик-лайт, лайт-контакт, семи-контакт, лоу-кик , фул-контакт, К1;</p> <p>Вазн тоифалари: (7-8 ёш) -21кг; -24кг; -27кг; -30кг; -33кг; -36кг; (9-10 ёш) -24кг; -27кг; -30кг; -33кг; -36кг; -39кг; -42кг; -45кг; - 48кг; +48кг; (11-12 ёш) -30кг; -33кг; -36кг; -39кг; -42кг; -45кг; -48кг; -51кг; +51кг; (13-14 ёш) -36кг; -39кг; -42кг; -45кг; -48кг; -51кг; -54кг; -57кг; -60кг; -63,5кг; +63,5кг; (15-16 ёш) -42кг; -45кг; -48кг; -51кг; -54кг; -57кг; -60кг; - 63,5кг; -67кг; -71кг; -75кг; +75кг (17-18 ёш) -42кг,-45кг,-48кг,-51кг,-54кг,-57кг,-60кг, -63.5кг,- 67кг,-71кг, -75кг,+75кг (19-35 ёш) -51кг,-54кг,-57кг,-60кг,-63.5кг,-67кг,-71кг, -75кг,- 81кг,-86кг,-91кг,+91кг</p>
---------------------------------	--------------	--

**3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
26 ЙИЛЛИГИГА БАГИШЛАНГАН «МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ»
(Ёшлар ва катталар ўртасида)**

Қашқадарё вилояти (Қарши ш.)	Август	<p>Йўналишлар: Кик- лайт, лайт-контакт, семи-контакт, лоу-кик , фул-контакт, К1;</p> <p>Вазн тоифалари: (7-8 ёш) -21кг; -24кг; -27кг; -30кг; -33кг; -36кг; (9-10 ёш) -24кг; -27кг; -30кг; -33кг; -36кг; -39кг; -42кг; -45кг; - 48кг; +48кг; (11-12 ёш) -30кг; -33кг; -36кг; -39кг; -42кг; -45кг; -48кг; -51кг; +51кг; (13-14 ёш) -36кг; -39кг; -42кг; -45кг; -48кг; -51кг; -54кг; -57кг; -60кг; -63,5кг; +63,5кг; (15-16 ёш) -42кг; -45кг; -48кг; -51кг; -54кг; -57кг; -60кг; - 63,5кг; -67кг; -71кг; -75кг; +75кг (17-18 ёш) -42кг,-45кг,-48кг,-51кг,-54кг,-57кг,-60кг, -63.5кг,- 67кг,-71кг, -75кг,+75кг (19-35 ёш) -51кг,-54кг,-57кг,-60кг,-63.5кг,-67кг,-71кг, -75кг,- 81кг,-86кг,-91кг,+91кг</p>
---------------------------------	--------	---



4. ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ

4.1. Ёшлар ўртасида

Жиззах вилояти (Жиззах ш.)	Октябрь	Ўналишлар: Кик- лайт, лайт-контакт, семи-контакт; Вазн тоифалари: (7-8 ёш) -21кг; -24кг; -27кг; -30кг; -33кг; -36кг; (9-10 ёш) -24кг; -27кг; -30кг; -33кг; -36кг; -39кг; -42кг; -45кг; -48кг; +48кг; (11-12 ёш) -30кг; -33кг; -36кг; -39кг; -42кг; -45кг; -48кг; -51кг; +51кг; (13-14 ёш) -36кг; -39кг; -42кг; -45кг; -48кг; -51кг; -54кг; -57кг; -60кг; -63,5кг; +63,5кг; (15-16 ёш) -42кг; -45кг; -48кг; -51кг; -54кг; -57кг; -60кг; -63,5кг; -67кг; -71кг; -75кг; +75кг
-------------------------------	---------	---

4.2. Катталар ўртасида

Бухоро вилояти (Бухоро ш.)	Ноябрь	Ўналишлар: Кик- лайт, лайт-контакт, семи-контакт, лоу-кик, фул-контакт, К1; Вазн тоифалари: (17-18 ёш) -42кг,-45кг,-48кг,-51кг,-54кг,-57кг,-60кг,-63.5кг,-67кг,-71кг, -75кг,+75кг (19-35 ёш) -51кг,-54кг,-57кг,-60кг,-63.5кг,-67кг,-71кг,-75кг,-81кг,-86кг,-91кг,+91кг
-------------------------------	--------	--

5. ПРОФЕССИОНАЛ ЎНАЛИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ (Катталар ўртасида)

Тошкент шаҳар	Декабрь	Ўналишлар: Кик- лайт, лайт-контакт, семи-контакт, лоу-кик, фул-контакт, К1; Вазн тоифалари: (17-18 ёш) -42кг,-45кг,-48кг,-51кг,-54кг,-57кг,-60кг, -63.5кг,-67кг,-71кг, -75кг,+75кг (19-35 ёш) -51кг,-54кг,-57кг,-60кг,-63.5кг,-67кг,-71кг, -75кг,-81кг,-86кг,-91кг,+91кг
---------------	---------	--

IV. Мусобақага иштирок этиш учун талаблар

4.1. Мусобақада Ўзбекистон ҳаваскор профессионал кикбоксинг Ассоциациясининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тавсия қилинган жамоалар иштирок этадилар.

4.2. Мусобақа иштирокчилари Ўзбекистон ҳаваскор профессионал кикбоксинг Ассоциациясининг аъзоси бўлиши шарт.


4.3. Мусобақада катнашиш учун спортчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- шахсини тасдиқловчи ҳужжат (ёшлар учун туғилганлик ҳақида гувоҳнома, катталар учун фуқаролик паспорти);

- ота-она розилиги ҳақида ҳужжат;

- тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисида ҳужжат;

- спортчини сугурта қилинганлигини тасдиқловчи сугурта полиси;



- мусобақага қатнашиш бадали тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

4.4. Мусобақа иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий мусобақалар босқичи иштирокчилари, ғолиблари ва совриндорлари бўлишлари керак.

4.5. Мусобақада иштирок этиш бадалининг максимал миқдори кикбоксинг спорт турининг битта йўналиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридан белгиланади.

4.5. Мусобақада иштирок этиш бадалининг аниқ суммаси Ассоциация буйруғи асосида белгиланади ва унинг суммаси бадалнинг максимал миқдоридан кўп бўлиши мумкин эмас.

V. Буюртмалар

5.1. Мусобақада қатнашиш учун буюртмалар Ассоциацияга 3 (уч) нусхада, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси билан келишилиб, Ассоциациянинг ҳудудий бўлинмаси томонидан тасдиқланиб тақдим этилиши шарт.

5.2. Буюртмалар мусобақа бошланишидан 15 кун олдин интернет орқали ёки ёзма равишда Ассоциацияга тақдим этилади.

5.3. Буюртмалар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи мусобақалари ўтказилганлиги тўғрисида мусобақалар баёнлари илова қилинган ҳолда топширилганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоалари (ғолиблари, совриндорлари) мусобақада қатнашишлари мумкин

VI. Мусобақа ўтказиш шартлари

6.1. Кикбоксинг бўйича мусобақалар Жаҳон кикбоксинг ташкилотлари Ассоциацияси (WAKO) қоидалари асосида Олимпия тизими бўйича ўтказилади.

6.2. Мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри терма жамоалари иштирок этишлари мумкин.

6.3. Спортчилар шлем, қапа, шарвар фута, кўлқоплар ва бандажда чиқишлари шарт;

6.4. Мусобақа жанглари 15 ёшгача бўлган спортчилар учун 2 раунд 1,5 минутдан, 16 ёш ва ундан катталар учун 3 раунд 2 минутдан ўтказилади.

6.5. Мазкур Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар Ассоциация ёки Мусобақа ташкилий қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда киритилиши мумкин.

6.6. Мусобақа дастури мусобақа ўтказилишидан 15 кун олдин Ассоциация томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

6.7. Мусобақанинг финал босқичи, айрим ҳолларда, мусобақа дастурига асосан тантанали равишда “Гала-финал” босқичи кўринишида ўтказилиши мумкин.

VII. Мусобақаларнинг ҳакамлиги

7.1. Мусобақаларни бошқариш Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал кикбоксинг Ассоциацияси томонидан тайинланган Бош ҳакам томонидан амалга оширилади.

7.2. Мусобақаларни ўтказиш учун ҳакамлар таркиби мусобақа Бош ҳаками томонидан Ассоциация билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

7.3. Ҳакамларнинг вазифа ва бурчлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Жаҳон кикбоксинг ташкилотлари Ассоциацияси (WAKO) қоидалари асосида белгиланади.

7.4. Мусобақа ҳакамларининг семинар-кенгаши мусобақа бошланиши куни ва мусобақа ўтказилган куннинг якунида ўтказилади.

7.5. Мусобақа ҳакамлар хайъати таркиби ва сони:

№	Лавозими	Ҳакамлар хайъати тақсимооти	
		Мусобақани бошқарувчи ҳакамлар	1-та ринг / татамига бириктирилган ҳакамлар
1	Бош ҳакам	1	
2	Бош ҳакам ўринбосари	1	

3	Бош котиб	1	
4	Ринг / татами рахбари (супервайзер)		1
5	Вақтни ҳисоблавчи ҳакам		1
6	Ринг / татами ҳакамлари		3
7	Таблони бошқарувчи ҳакам		1
8	Рефери		1
	Жами	3	7

VIII. Мусобақаларнинг молиялаштириш шартлари

8.1. Мусобақалар ўтказилишининг молиялаштириш шартлари:

- мусобақаларнинг иштирокчилари – спортчилар ва мураббийларнинг ётоқхонаси, овқатланиши ва йўл харажатлари, шунингдек ҳакамларнинг ётоқхонаси ва йўл хақи харажатлари иштирокчиларни сафарга юборувчи ташкилотлар томонидан қопланади;

- ҳакамларнинг овқатланиши ҳаражатлари, шунингдек мусобақа ўтказиш учун спорт зал ижраси, голибларни тақдирлаш учун медаллар, дипломлар ва бошқа қимматбаҳо совғалар харажатлари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал кикбоксинг Ассоциацияси томонидан қопланади.

8.2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси мусобақаларни молиялаштириш шартларининг бўйича ўзига тегишли қисмига ўзгартиришлар киритиши мумкин.

8.3. Мусобақалар Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал кикбоксинг Ассоциациясининг маблағлари, бошқа ташкилотлар, корхона ва муассасаларнинг бегараз ҳомийлик ёрдамлари, шунингдек мусобақага қатнашиш бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади.

IX. Мукофотлаш

9.1. Мусобақа ғолиб ва совриндорлари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг I, II ва III-даражали дипломлари, шунингдек медал ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

9.2. Мусобоканинг бошқа иштирокчилари Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал кикбоксинг Ассоциацияси ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан мукофотланишлари мумкин.

9.3. Мусобоканинг “Гала-финал” босқичи ғолиблари голиблик камари ва миқдори Ассоциация буйруғи асосида белгиланадиган пул мукофоти билан тақдирланиши мумкин.

X. Якуний натижалар таҳлили

10.1. Мусобақалар тўғрисидаги ахборот Ассоциация томонидан мусобақалар тугагандан сўнг 3 кун муддат ичида белгиланган ҳисобот шаклида тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тақдим этиши лозим.

Спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тайёрлаш бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал кикбоксинг Ассоциацияси бош котиби

Терма жамоа бош мураббийи

Т.Оразимбетов

Ж.Рахмонов

Р.Акалбаев

